



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 10-iyul №28 (4323)

“ПИЛЛА ҚУРТИЧА ҲИММАТИНГ ЙЎҚМУ?..”

Ҳамиша тўғри таъкидлаб келинганидек, ҳеч нарса ўзидан-ўзи осмондан тушмайди.

Одамзод ҳаётини, унинг маданий-маиший турмушини кўрам қиладиган, яшаш ва тириклик шариоатларини яхшилашга дахлдор нимаки мавжуд бўлса — унинг замирида меҳнат ва лаёқат, дид ва ҳафсала, фаҳм-фаросат билан ақл ва ҳаёт-севарлик ётади.

Бу инсоний хислатларнинг жуғрофий ҳудудини кенгайтириб, уй ва остона доирасидан қишлоқ, шаҳар, минтақа, ундан ўтиб мамлакат микросига кўчирилса агар, мазмун ва моҳият яна ҳам ўзгариб, аввал бошда шахсийдек кўринган ҳаёт ва турмуш юмушлари ўзгача мантиқ ва қиёфа касб эта бошлайди. Уй-остона билан боғлиқ, шулар билан чегараланиб турган рўзгорий тушунчалар энди ўзга залвор, қўлам ва микрос билан намоён бўлади. Оиласе-варлик элсеварликка, уйпарварлик юртпарварликка айланади.

Сертахлика дунёда ҳар кун, ҳар соатда бир қабоҳат ва жаҳолат юз кўрсатиб турибди. Разо-лат билан ёмонлик бир зум бўлса-да “бекор” тургани йўқ.

Бизнинг мамлакатда ҳар кун, ҳар соатда бир янгиллик рўй беради. Ҳар дам, ҳар соатда биз бир эзгу иш, бир яхшилик ва ё хушхабарнинг гувоҳи бўламиз. Янгиланишларга ҳам ўрганиб қолдик. Бунёдкорликлару ободлик манзараларига кўзларимиз кўникиб қолгандай. Дўконларда серобчилик, бозорлар тўкин-сочин, Худо берган нозу неъматлардан кўзимиз ҳам, кўнглимиз ва қорнимиз ҳам тўқ. Омборларимиз бугундай тўлиб бормоқда. Фарзандларимиз ўсиб-ўлғаймоқда, таълим-тарбия олиб, эзгу орзу-ниятларимиз рўёбини ўзимиз билан бирга фарзандларимиз ҳам ўз кўзи билан кўриб камол топмоқда.

“Инсон бахт учун дунёга келади...”

Президент Ислам Каримов Қашқадарё гурун-ларида бу иборани яна бир бор таъкидлаб ўтар-кан, “Одамлар ҳаётнинг қадрига етмоқда,

дунёқараши ўзгармоқда”, деган сўзларга алоҳида урғу бериб гапирди. Шунинг баробарида, одамларимиз яшайдиган уйларида, кўча томондан, эшик ва дарвозаларнинг икки тарафига тўрт туп райхон экиб, икки туп кўчат ўтқазиб қўйилса, қараб-парваришлаб турилса, қандай яхши бўли-шини ҳам бўлакча меҳр билан эслатиб ўтди.

Биз том маънода обод ва чиройли Ватан қур-моқдамиз. Она диёримизнинг бугунги кўрку жа-моли, оройишу осойишимизга олам аҳлининг ҳаваси келади. Ўзимиз ҳам ҳавас қиламиз, завқу шавқимиз тошиб, кўнглимиз жўшиб “Она юрт!” “Она Ватан!” деймиз.

Энди тасаввур қилиб кўринг: шунча кўрку тароват, чирой ва жо-зиба орасида битта ё иккита қаров-сиз эшик, сув сепилмаган, супуриб-сидирилма-ган остона, хас-хазон босиб ётган дарвоза олди йўлаги, маҳалла ё гузар кўча томондан кўзга қан-дай кўринади?

Кўнгилдан беихтиёр “Шуни ҳам давлат раҳба-ри даражасидаги улуғ шахс айтиши, эслатиши шартмиди, тўрт туп райхон билан иккита ниҳолги-нани ерга қадаб қўйиш шунчалик қийинми?”, деган ўй-мулоҳаза кечади.

Ҳеч нарса ўз-ўзидан осмондан тушмайди. Ҳамма нарсанинг ранжу заҳмати бор, ҳамма-си учун жон чекиш керак. Дон ҳам ерга туш-гандан сўнг қобиғ ёриб меҳнат чекади, кўчат-лар буй чўзиб машаққат тортади, ниҳоллар яшнаган-шовуллаган боғга айланади. Боғни боғ қилгунча боғбон неча умрию неча жонидан ке-чади. Шу ўринда назм боғининг улуғ ва бетим-сол боғбони Навоий бобомизнинг кўп тақдор-лаганимиз беназир ҳикматларини яна бир бор эслаб ўтмоқ жоиз:

Тухм ерга кириб чечак бўлди,
Кўрт жонидан кечиб ипак бўлди.
Лола тухмича гайратинг йўқму?
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?..

Тахририят.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

АСРЛАРДАН НАВОЛАРГА



“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ҳамиша кўҳна ва навқирон наволар байрамидир. Ушбу санъат анжумани Шарқда ҳам, Фарбда ҳам бирдек суякклиги сабаби шунда. Навбатдаги фестивалда етмишга яқин мамлакатдан санъаткорлар иштирок эттиш истагини билдиргани жаҳонда ушбу анжуманга эътибор юқорилигини кўрсатади.

Бундан ўн тўққиз йил бурун, Ватанимиз истиқ-лолга эришиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлган бир даврда, Президентимиз ташаббуси би-лан Самарқандда биринчи “Шарқ тароналари” хал-қаро мусиқа фестивали бўлиб ўтганди. Бугун мус-тақилликнинг йигирма тўртинчи довонига тобора яқинлашиб келмоқдамиз. Аслида бу йиллар шун-чаки вақт мезонини ифодаловчи рақамлар эмас, уларнинг замирида улуғвор ҳикматлар бор. Хал-қаро фестивалда биринчи марта иштирок этган-лар бугун бутунлай бошқа, ниҳоятда гўзал ва ла-тиф Ўзбекистонни кўрадилар. Сўнгги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, маданий соҳадаги янгиланишлар, замонавий бинолар са-лобати биринчи галда хорижлик меҳмонларни ҳайратга солиши шубҳасиз.

Самарқандда халқаро фестивал шуқуҳини ҳозир-данок сезиш мумкин. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Самарқанд вилояти ҳокимлиги ишчи гуруҳи таркиби ва тadbирлар ре-жаси тасдиқланди. Шаҳарни фестивал руҳига мос безатиш, Регистон майдонида асосий сахна ва то-мошабинлар учун ўриндиқлар ўрнатиш баробари-

да “Сўғдиёна”, “Ёшлик” истироҳат боғлари, “Мўъжи-за” амфитеатрида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ҳам бошланди. Зеро, халқаро фестивал до-ирасида хорижий санъаткорлар иштирокида мус-тақил концерт дастурлари, ижодий учрашув ва му-лоқотлар ташкил этилиши лозим. Шунингдек, Ре-гистон майдонидаги Улуғбек мадрасасида ҳамда музейларда фестивал тарихига оид фотосуратлар, миллий мусиқа асбоблари, тарихий либослар, тас-вирий ва амалий санъат асарлари, миллий ҳунар-мандлик маҳсулотлари кўргазмалари ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Фестивал иштирокчилари ва меҳмонларини ку-тиб олиш ва жойлаштириш, уларга юқори сифат-ли замонавий сервис хизмати кўрсатиш, гид-экс-курсовод ва таржимонлар тайёрлаш, вилоят бўйлаб саёҳатлар ташкил этиш каби муҳим ма-салалар юзасидан аниқ вазифалар, уларни амалга оширувчи масъуллар белгиланган. Хусусан, бу-гун Самарқанд шаҳрида фестивалга тайёргарлик ишларига бағишланган навбатдаги матбуот ан-жумани ўтказилади.

Ўз мухбиримиз

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК!

Бугунги глобаллашув даврида эстрада санъати ва унинг ёшлар маънавияти-да тутган ўрни масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, ал-батта. Чунки бу санъат мухлисларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

“Оммавий маданият”нинг қадриятларимиз боқийлигига путур етказиш хавфи кучайиб бораётган айни дам-да эстрада санъати ниқоби остида саёз, миллий менталитетимизга ёт қуй-қўшиқлар ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Шу сабабли ҳам миллий эстрадамизда кечаётган жараёнларга бе-фарқ бўлмаслик, бу соҳада мавжуд камчиликларга қарши курашиш ватанимизнинг буюк келажаги йўлида куч-гайратини аямасдан ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Кўни-кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган “Маънавиятимизга бефарқ бўлмайлик!” деб номланган давра суҳбати ана шу масалаларга бағишланди.

— Шу йил 20 май кўни Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган тadbирларда ҳам ёшларнинг маънавий тарбиясида санъатнинг, хусусан, эстрадаларнинг ва тўйларнинг ўрни масаласида жиддий гаплар айтилганди,

— деди ўз сўзида Ёзувчилар уюш-маси раиси, Халқ ёзувчиси Мухаммад АЛИ. — Мазкур тadbирда “оммавий ма-даният” унсурлари акс этган миллий менталитетимизга ёт кўплаб клипларда қўшиқ матнининг ҳам ғализлиги, хонан-

да йигит-қизларнинг беҳаё хатти-ҳара-катлари, очик-сочик қийинишлари каби салбий ҳолатлар ҳақида аччиқ-аччиқ гаплар айтилди.

Давоми бешинчи саҳифада.

АЗИЗ ВАТАН

Ифтихор

Дарахт бўлсанг, тўкилган гул, япроғингман,
Кўз юмсам ҳам, кучоғингда тупроғингман.

Юрак ютиб айтолмаган шох Бобурнинг
Дардларидан яралган бир титроғингман.

Кечалари саҳроларда гулхан ёқиб,
Чўлларингни жаннат билган Широқингман.

Шаҳид кетган Чўлпонларинг нигоҳида
Армон бўлиб қотиб қолган сўроғингман.

Дунё кезиб қиёсингни тополмаган
Гоҳ яқин, гоҳ олисдаги фироғингман.


Ўзинг мангу шон-шавкатинг, ўчмас ёдим,
Ишқим билан ғамларингга яроғингман.

Қайга борсам, мағрур бошим эгилмас ҳеч,
Қадринг балад тутиб суйган қароғингман.

Ўн саккиз минг олам ичра бахтим шудир,
Бағрингда кўз очган меҳр булоғингман.

Сен шу қадар жондан азиз Ватансанки,
Мен бор-йўғи ёниб-ўчар чироғингман.

Адиба УМИРОВА



иш ва камолот фаслининг рамзидир. Юртбоши-миз ташаббуси билан мамлакатимизда мусиқа

НИҲОЛЛАР САРАЛАНМОҚДА

санъатини ривожлантириш, ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий имкониятла-рини юзага чиқариш ҳамда санъат оламида ўз ўрнини топиб олишларига қўмак бериш мақса-дида таъсис этилган “Ниҳол” мукофоти қўллаб истеъдодли ёшлар учун умрбод унутилмас во-қеага айланди. Ҳар икки йилда бир марта ўтқа-зилаётган мазкур санъат шодиёнаси эстрада, мумтоз қўшиқчилик, рақс, мусиқа, опера каби йўналишларда қўллаб янги номларни кашф эт-моқда. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудларида ўтказилган танловнинг бу йилги саралаш бос-қичларида ўн уч мингдан ортиқ ёш истеъдодлар иштирок этди. Улар орасида ғолибликни қўлга киритган бир юз етмишдан ортиқ ёшлар шу кун-

ларда Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтаётган танловнинг якуний республика босқичида ўз маҳоратини синовдан ўтказмоқда.

Ижодий чиқишларни кузатар эканмиз, ишти-рокчиларнинг барчаси ижро маҳоратидан тортиб, сахна либосларига қадар жиддий тайёргарлик кўрганига гувоҳ бўлдик. Танловнинг биринчи ку-ниданок бир-бирига ўхшамас, ранг-баранг чиқиш-лар тақдим этилди. Дастлаб сахнага мусиқа иж-рочилиги йўналишида иштирок этаётган иқтидор-ли созандалар чиқишди. Ёрқин мусиқий оҳанг-ларга ҳамоҳанг тарзда сахнага эстрада, мумтоз қўшиқчилик, рақс ҳамда опера йўналишида иш-тирок этаётган ёшлар кўтарилиб, ўз истеъдод ва лаёқатини намойиш этди. Улар орасида Г.Шох-назарова, М.Сайфуддинов, К.Тошбоев, Ш.Бекму-родов, Ш.Эргашев каби ёш ижодкорларнинг чи-қишларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Танлов доирасидаги хилма-хил ва ранг-баранг чиқишлар айни пайтда ҳам давом этмоқда. Яку-ний республика босқичи ғолиблигини тантана-ли тақдирлаш маросими эса юртимиз мустақил-лиги шодиёналари арафасида ўтказилади.

Хонзода ҲАСАНОВА

ЁШЛАР СЕМИНАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги дав-лат бошқаруви академияси-да “Ёшлар клуби” аъзолари-нинг ўқув-семинари бўлиб ўтди. Тад-бир дои-расида маданият,

санъат, спорт йўналишларида ўз маҳоратини намойиш эт-ган иқтидорли ёшлар иштиро-кида “Парвоз” ўқув-ижодий мактаби ҳам ташкил этилди. Унда мамлакатимизда амал-га оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг истиқбол-лари, ёшларнинг дунёқараши-ни шакллантириш, инноваци-он лойиҳалар устида ишлаш ҳамда уларни бошқариш каби мавзуларда назарий ва амал-ий маҳорат дарслари ўтқа-зилди.

Тadbир

И.ИСЛОМОВА

Чарос ЁҚУБОВА

ҚУВОНЧ БЎЛИБ ДУНЁГА КЕЛДИК



КУЛЧАНОН

Онам кулча ёпар юзимдек дўмбоқ,
Ўртасида гулли нақши бор яна.
Меҳр билан ясаб, кулчам юзига,
Сепкилга ўхшатиб сепгай седана.

Иссиқ тандир уни олар бағрига,
Онамнинг кўнглидек ичи бунча кенг.
Кичик кулчам учун катта тандирнинг
Кучоғи бамисли осмонларга тенг.

Менинг мактовимдан кетар семириб,
Сўнгра, уялгандан қизарар юзи.
Тандир онам каби меҳрли бунча,
Кулча гўё унинг эркаой қизи.

Энг биринчи шуни узарлар онам,
Унга этагимни очаман шодон.
Кичик бўлса ҳамки барча нонлардан,
Ширин туюлади менга қулчано.

БИЗ БОРАР
МАНЗИЛЛАР

Биз борар манзиллар бахтга туташган,
Умидлар унади изларимиздан.
Муз юракларга ҳам тафт улашгучи,
Меҳр кўним топган кўзларимизда.

Биз борар манзиллар кўкка туташган,
Мақсадимиз буюк чўққилардан ҳам.
Барча тўсиқларни ўтамиз энгиб,
Гоҳида қувониб, гоҳ чексак-да гам.

Интилиб яшаймиз ўша лаҳзага,
Тўсиқларни бирга ўтармиз энгиб.
Орта қайтмоқликка йўқдир ҳаққимиз,
Чунки, манзилда бахт турибди қутиб...

ЮРАГИМИЗ
УРАРКАН ТОКИ

Биз қайғунинг бошин эгамиз,
Алам ўзи тўкиб қолар ёш.
Нурдан либос тикиб кўнгилга,
Улашгани ошқар қуёш.

Юрагимиз ураркан бирга,
Бир ҳаводан оларкан нафас,
Бахт бизларни излаб келади,
Уни таниб ола олсак бас.

Хижрон нима? Недир айрилиқ?
Ахир юрак висолдан сармаст.
Кўзимизга мунгли қадолмай,
Армон қилар ўз жонига қасд.

Шодлик оқар томиримизда,
Табассумга чаямиз юзни.
Энг кичик заррадан кўккача,
Меҳр билан қадаймиз кўзни.

Муҳаббатнинг борлиги учун,
Яшаш, ҳаёт бахтлигин билдик.
Бизни гамлар ололмас асир,
Қувонч бўлиб дунёга келдик.

Илк танишув
БЕКИНМАЧОҚ

Олдимдаю, ортимда
Турганларга дук, дук, дук.
Дея боқдим атрофга,
Аммо сендан дарак йўқ.

Билмам, қайга беркиндинг,
Яқингами ё йироқ?
Изладиму, ҳар ёни,
Сени топмадим бироқ.

Тандир тағидамисан,
Ё ўриқнинг шохиди.
Тез кўриниш берардинг,
Тополмасам гоҳида.

Сўнг югуриб келардинг,
Ва қилардинг дук, дук...
Не учун чиқмайсан,
Ҳатто овозинг ҳам йўқ.

Ўйиндан ўт чиқдим,
Кўксимда ёнди олов.
Қайноқ тафтли оташда,
Нафасинг сездим дарров.

Топишга топдим аммо,
Нега ундай қилибсан?
Пана жойлар камдайин,
Қалбимга беркинбисан.

ДАСТУРХОН
ҚОШИДА...

Дастурхон бошида жамдирмиз ҳар тонг,
Онам ёшган патир, онам соғган сут.
Отам кўлларини очар дуога,
«Уйимизга тўлсин баракаю кут».

Мактабга шошади синглиму укам,
Отам отланади ишхона томон.
Бизни кузатар чоғ айтади онам:
«Илоҳим барчангиз қайтингиз омон».

Турфа манзилларга элтади йўллар,
Ҳаёлни банд қилар турли хил ташвиш.
Жонажон масканга ошқиди дил,
Тамом бўлганида ўқинлару иш.

Дастурхон тузаймиз онам ҳамда мен,
У овқат пиширса, келтириб нонни,
Қолганлар келишни қутамиз интиқ,
Гўё қуттандайин азиз меҳмонни.

Ч.ЁҚУБОВА 1994 йили Жиззах вилоятида туғилган. Ёш ижодкорларнинг «Истеъдод VII» минтақавий семинари иштирокчиси. «Юрт келажиги — 2015» республика иқтидорли ёшлар танловида «Адабиёт ва журналистика» йўналиши бўйича вилоят босқичи ғолиби.

ТУЛЛАРДА ТИНЧЛИКНИНГ РАҲТИ БОР

Истиқлол мевалари

туролмайди бу қиз — илк китобчасини ҳам
«Куйламасам бўлмайди» деб номлади. Уша
шеър мана шундай бошланади:

Шеър ҳаёлий, қўшиқ ҳам,
Ўйламасам бўлмайди.
Халқим, сенга қўшилиб,
Куйламасам бўлмайди.

Читти гул, ҳо, читти гул,
Йирик эмас, митти гул,
Беғам ёр фироқидан
Дилимга гам битди гул,
Сабрим тугаб кетди гул.

Бу шеърни ўқийсиз-у, халқ оҳангининг ором-
бахш туйғуларидан дилингиз яйрайди. Ҳаёт-
бахш сўз — ҳаётга, яшашга иштиёқингизни
оширади. Митти гул сизни севги ошиёнига,
ошиқлар чаманига етаклайди. Беихтиёр, қал-
бингизнинг туб-тубидаги ушалмаган орзулар-
нинг юз очади, армонларингиз ороланади.
Севган, севилган кунларингиз ёдга тушади.

Товланади атласим,
Остонадан хатладим,
«Мени севиб қолади»,
Юрагимни алдадим,
Юрагимни алдадим.

Бойчечагим бойланди,
Ёр ёнида айландим.
Нигоҳларини тутган
Нигоҳларим ҳайрондир,
Юрак-бағрим вайрондир.

Мен бу шеърдан ташбех изламадим. Мен
бу шеърда гўзал кўнгли кўрдим. Кўнгли гўзал
одам оламни гўзал кўради. Ошиқлар дунёси-
да эса хунук нарсанинг ўзи йўқ. Сиз бу шеър-
да ҳаётнинг ҳикмати, ибонинг ибратини кўрасиз.

Беназир истеъдод соҳиби Расул Ҳамзатов
ёш ижодкорларга берган ўғитларининг бири-
да «Менга мавзу эмас, менга кўз беринг, деб
айтгин», деган экан. Дарҳақиқат, қалбда кўзи
бор одамга ердан етти кат қоминотгача — ҳам-
маси мавзу. Фақат хасдан майсани, тикан-
дан гулни, ростдан ёлғонни, яхшидан ёмон-
ни фарқлай билиш жоиз. Такрорлаш — би-
лимнинг онаси. Аммо мавзунинг душмани.

Ўзи ҳавас билан яшаган одам ўзгаларнинг
ҳам ҳавасини келтиради. Келинг, яна шеър
ўқиймиз. Бу шеър «Гул сайли» деб номланган:

Кўрганларнинг ҳавасин
Келтиргани келганмиз.
Ким нима деса десин,
Гул тергани келганмиз,
Гул тергани келганмиз.

Оддий, самимий бошланган шеър бир
кўнгли дардидан минглаб одамларнинг дил
дардию қувончига айланади. Сиз ёш шоир-
нинг тийрак нигоҳига, мавзу ичида мавзу то-
пиш санъатига беихтиёр таҳсин ўқийсиз.

Беда, бурганин кўрдим,
Итнинг хурганин кўрдим.
Бир ховлида ойдаи қиз
Хомуш юрганин кўрдим,
Хомуш юрганин кўрдим.

Дуторим жим, қуяди,
Иккита сим қуяди.
Увол кетган севгига
Айтинглар, ким қуяди?
Менинг ичим қуяди.

Увол кетган севги — увол кетган, балки
топталган умр. Ҳар нечики уволдан кўрма-
ган одам дунёни сув босса тўпигага чиқаз-
майди. Мавзу гул сайли. Гул кимга ярашади?
Гулни гулдек кўра билган инсонга... Аммо гул-
ни гулдек кўрмоқ учун уйғоқ нигоҳ керак.
Оламда нелар содир бўлаётганини ҳис
қилмоқ, қалбнинг қатидан ўтказмоқ жоиз.

Одамлар-у, одамлар,
Содда-ю, қув одамлар.
Боласига ўлдир, деб,
Ўргатар қув одамлар,
Эссиз-а, бу одамлар.

Нур қучар яримшарни,
Сир... қучар яримшарни.
Тунда тинч ухломасанг,
Тонгда гул ярашарми?!
Сенга гул ярашарми?

Гуллар — тинчлигимизнинг тимсоллари.
Қўлида бир даста гул тутиб кетаётган инсон-
нинг чехрасига боқинг, сиз шу одам қалбида-
ги қувончни унинг офтобга айланган юзлари-
да кўрасиз. Бу инсон қўлидаги гулларнинг ран-
ги оиласидаги, юртимиздаги тинчликнинг ран-
ги. Демак, гулларда тинчликнинг ранги бор.

Бу халқона оҳангда ёзилган шеър тинчлик-
севар халқимизнинг орзу-ўйлари билан во-
баста яқун топган. Ўқиб ҳузурланасиз, ўқиб
ўйлаб қоласиз, мушоҳада қиласиз. Яхшилар
сафидан ўзингизни қидирасиз.

Ватан ҳақидаги яхши шеърни тиниқ кўзга
менгзаса бўлади. Кўзга боққан одам
ўзини кўрганидек, шундай шеърни ўқиб туй-
қус дилингиздан: «Ватанпарвар инсонлар са-
фида менинг ўрним борми? Ота-бобом хоки
ётган шу муқаддас тупроқда менинг ҳам изим
қоладими?», деган савол ўтса ажабмас. Ку-
мушнинг шундай шеъри бор. У «Онамга» деб
номланади.

Юз ёшган болалик, юз очган ўсмирлик, бўйга
етаётган қиз... Унга боқиб онанинг дилидан
нелар ўтмайди. Кўзда қувонч, дилда хавотир...
Илоҳим, бахтини берсин... Бехос қизнинг ово-
зи янграйди:

Кўркманг, номардларга тушмайди ишим,
Кўкка совурмайман ушбу дамларни.
Отам айтганидек юртим демаса
Одам санамайман бу одамларни.

Бахтга содиқликни кўрсатиб қўйиб,
Ғамнинг бошларини эгиб қўйганман.
Она, шеърларимга сиғдирилмасдан,
Ватанини юракка экиб қўйганман.

Юрагида Ватани бор одам иймонда,
этиқодда, муҳаббатда собит. Меҳрли ин-
сонларнинг муроди эзгулик. Эзгулик ин-
сонни элга эш қилади. Киндик қонинг том-
ган муқаддас тупроқ, онаизорингни ор-
зуларига беланчақ бўлган юрт еллари бу-
гун сенинг сочларингни силамоқда. Худ-
ди онанг қўллари каби. Сен бу юрт тупро-
ғида юриб ўнгга боқсанг ҳам, сўлга боқ-
санг ҳам онанг меҳрини тўйгандек бўла-
сан. Ерга тиз чўкиб кафтларингни шу азиз
тупроққа тўлдирасан. Она тупроқ... Она Ва-
таним, Ота маконим, дейсан энтиқиб. Каф-
тингда турган тупроққа шивирлаб шеър
ўқийсан. Бу шеърни онанг эшитаётганини
ҳис қиласан.

Она, зўр шоира бўласан дебон,
Маним манзилимни йўлда ҳал қилма.
Менинг бу шеърларим ҳикмат берурми,
Айтган ҳар бир сўзи Ҳикмат халқима.

Ана, Ватан дея кўрсатма энди,
Кўкиш харитани, боғу бўстонни.
Сўздамас, она, ҳар бир одамнинг
Қалбида кўрайлик Ўзбекистонни!

Хуш тилак, хуш ният қалбга дарёдек оқиб
киради. Бу дарё — сен учун азиз ва муқад-
дас Ватанинг дарёси. Унинг бағрида қулоч
отгансан, унга тушларингни айтгансан.
Унга келиб қўшилувчи сойларда, ирмоқ-
ларда нон оқизиб ёгансан. Бу дарё — Ва-
танинг бир бўлаги. Энди у сенинг қалбин-
да оқмоқда. Сенинг қалбинга бу дарёни
шеър олиб кирди. Сенинг айтгинг келиб
турган сўзни топиб айтган шоирага тасан-
но, дейсан. Ватан ҳақидаги шеър Ватан-
нинг ўзидек гўзал.

Олимлар шеърдан ҳикмат, товланган
ташбех топмоқ истадилар. Ҳақли талаб!
Шоирлар шоирларнинг оҳидан оҳанг
излайдилар. Сим-сим дардинг сим-сим
оҳанги, тўлқин-тўлқин қувончининг

тўлқин-тўлқин оҳанги. Шоирлар қайғунинг
қасрида шодлиқнинг шаклини чизадилар.
Шоирлар «айтма», деган сўзни айтади-
лар. Тўғрироғи, ўзгалар айтолмаган сўзни
айтадилар.

Агар қуйса бармоғинг,
Аста уфла дейсиз-ку.
Чайналган сўзларингни
Ютма, туфла дейсиз-ку,
Аста уфла дейсиз-ку!

Шаклсизлик шаклимдир,
Барини кечир, она.
Мени ёзиқларим шу,
Истасанг ўчир, она,
Истасанг ўчир, она!

«Ташқарида» деб номланган ушбу шеър
шоиранинг мушоҳада олами кенглигига,
иқтидори анчайин юксаклигига ёрқин ми-
сол. Унинг шарҳи алоҳида мавзу. Зеро,
шаклга сиғмаган сўз ақлга сиғади. Кумуш
Абдусаломованинг «Мактуб», «Қандай
яхши», «Етти кунлик йўл», «Қоронғу» каби
кўплаб шеърлари ҳам халқона оҳанги, ҳам
кутилмаган топиқмалари билан ўқувчи
диққатини тартади. Сизни эзгуликка, му-
ҳаббатга ошно этади.

Истеъдод ёш танламайди. Бўладиган
бола бешиқда балқийди. Истеъдод инсон-
нинг изидаги эмас, кўзидаги нур. Жомий
ҳазратлари «Истеъдод инсонга ўзини
эмас, ўзгаларни бахтиёр қилиш учун бе-
рилади», деганлар. Ўзгаларни бахтиёр
қилишни истаган қалам соҳиби дилда нур
билан йўлга чиқади. Бу йўл изланиш йўли,
машаққат йўли. Қайси шоир машаққатдан
чўчимаса, изланишдан толмаса унга ҳик-
мат ҳамроҳ бўлади, дафтариди ёруғ шеър-
лар юз очади.

Мен Кумуш Абдусаломова тимсолида
ушбу йилда илк китоблари 20 минг
нусадада чоп этилган олти нафар ёш
ижодкорларимизга йўлингиз ҳаммаша
ёруғ бўлсин, демократизм. Аслида улар-
га хуш ниятни юртимиз ёшлари учун
мана шундай имкониятлар эшигини очиб
берган муҳтарам Юртбошимизни ўзла-
ри тиламоқдалар. Ўйлаймизки, улар
ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ана шу ишонч-
ни оқлаб, элу юрт тинчлигининг, бахти-
нинг тумори бўладилар. Яна бир нияти-
миз, уларнинг қўлларига ҳаммаша даста-
даста гуллар ярашсин. Гулларда эса
тинчликнинг ранги бор.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Ашуралӣ БОЙМУРОД

СЎНМАС МАЁҚ

ВАТАН МАДҲИ

Ватан менинг дилимдадир,
Сўзлар ичра осмоним.
Созим — қалам, қўлимдадир,
Кетиб борар карвоним.
Ватан — онам, Ватан — отам,
Акам, укам, синглимдир,
Кетар бўлсам, йўлимда шам,
Ватан ёруғ кўнглимдир.
Гоҳ пиеда, гоҳи отда,
Манзил яқин — йироқдир.
Сувда чўқмас, ёнмас ўтда,
Ватан — ғолиб Широқдир.
Ўтмишини ёд этмаган,
Хотирасиз ғарибдир,
Минг асрни даст қўтарган —
Ватан буюк тарихдир.

Ошиғисан кўргандаёқ,
Яшай билгин мард, халол,
Юрагинга сўнмас маёқ
Бўлсин Ватан, Истиқлол!

КўНГИЛ РАВШАНЛИГИ

Кўнглингизни яхшиликка эш тутинг,
Меҳр ёнсин, аввал уни хеш тутинг,
Ҳар лаҳзада ақл ила иш тутинг,
Дилдан ҳайданг зулмат ила риёни,
Тинчлик ила безанг кўҳна дунёни.

«Занжирбанд Ер» бўлиб қолмас сайёрам,
Самоларга қўлин чўзган фавворам,
Кўнглим фақат учадирган тайёрам,
Гулга тўлсин уйимизнинг ҳар ёни,
Тинчлик ила безанг кўҳна дунёни.

Ўз уйингни севганинг зўр давлатдир,
Ундан ўзга туйғу билсанг, ғафлатдир,
Юрагингда бор севгингни сақлаб тур,
Ҳатто қуёш сендан олғай зиёни,
Тинчлик ила безанг кўҳна дунёни.

Юрак ўзи учаётган қабутар,
Қабутарини кўролмаслар тош отар,
Аввал кўнгли ёришгай, сўнг тош отар,
Оқверсин, қўйинг икки дарёни,
Тинчлик ила безанг кўҳна дунёни.

Фаришталар қўнар соқини гўшага,
Ким бузгунчи, лаянат ёғар ўшага,
Дарз кетмасин, кўнгли ўхшар шишага,
Унутмайлик дўстлар, шарму ҳаёни,
Тинчлик ила безанг кўҳна дунёни.

Боқийликка йўл очгучи тинчликдир,
Баҳор янглиғ гул сочгучи тинчликдир,
Дуо айлаб қўл очгучи тинчликдир,
Тумор қилинг дилга меҳриниёни,
Тинчлик ила безанг кўҳна дунёни.

ҚОРАСОЧ

Сен тунимсан, қундузини
Қаро этдинг, қорасоч,
Шул қаро тун ичра бағрим
Яро этдинг, қорасоч.

Икки зулфинг — икки дарё,
Тўқилганиб оқар гўё,
Мени икки соҳилингдан
Айро этдинг, қорасоч.

Туним янглиғ узун сочлар,
Ҳар толаси бир парда,
Гоҳ тўлғониб, гоҳи маҳзун
Наво этдинг, қорасоч.

Бор қалбимни бердим тунга,
Соч савдоси бошимда,
Тун дорига осиб мени
Адо этдинг, қорасоч.

А.БОЙМУРОДОВ 1957 йили
туғилган. Жиззах давлат педагогика
институтини тамомлаган. «Табиат
сеҳри», «Садоқат», «Соғинч»,
«Меҳристон» сингари шеър
тўпламлари чоп этилган.

